

даллашувида ижобий аҳамият касб этди. Оқибатда ўлка бошқарувида янги тартиб ва унвонлар жорий этилди. Шунингдек, Хоқонлик бўйсундирилган ўлкаларни бошқаришда баъзи маҳаллий сулола вакиллари ҳам жалб этиб, улардан ўлпон олиш эвазига итоатда сақлаб турган. Натижада ўтроқ ўлкаларда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт бирмунча таъминланган. Хуллас, Марказий Осиё бу даврда Ғарбий Турк хоқонлигига тобе бўлса-да, иқтисодий ривожланиш жадал суръатда давом этгани минтақа халқларининг бирдам ва меҳнатсеварлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far an-Narshaxiy. Buxoro tarixi. – T.: Kamalak, 1991.
2. Ibn Havqal. Movarounnahr/Ibn Havqal; arab tilidan tarj., izohlar muallifi SH.S.Kamoliddin. – T.: O'zbekiston milliy entsiklopediyasi, 2011.
3. Abu Rayhon Beruniy. Osor ul-boqiya anal-qurun al-holiya. (Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar)
4. Ahmedov B. Tarixdan saboqlar. – T.: O'qituvchi, 1994.
5. Gumilev L.N. Drevnie tyurki. Kristall, 2003.
6. Otaxo'jaev A. Ilk o'rta asrlar Markaziy Osiyo sivilizatsiyasida turk-sug'd munosabatlari. – T.: ART-FLEX, 2010.
7. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi. – T.: Sharq, 2013.
8. Bey shu (Shimoliy sulolalar tarixi). Yirik tarixchi Li Yan-shou qalamiga mansub. Markaziy Osiyo, Xorazm va Sharqiy Turkistonning VI asr ikkinchi yarmidagi tarixi haqida qimmatli ma'lumotlar mavjud. Suy shu (Suy xonadonining tarixi). Xitoy tarixchilari jamoasi tomonidan yozilgan. Asarning 83-bobida Markaziy Osiyo haqida ma'lumotlar mavjud. Qarang: Madraimov A. Fuzailova G. Manbashunoslik. – T.: O'zbekiston faylasuflari ilmiy nashriyoti, 2008. 138-b.
9. Sultonov F., Bozorboev F. O'rta asrlar tarixi (O'zbekiston tarixi). – T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.



Sunnatullo MUXIDDINOV,

*Teacher of History at Samarkand State University
Uzbekistan. Samarkand city street of A.Yugnakiy home
number 7, e-mail: smuxiddinov@mail.ru*

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД МАДРАСАЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ

УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС САМАРКАНДСКИХ МЕДРЕСЕ В КОНЦЕ XIX ГО НАЧАЛЕ XX ВВ.

STUDY PROCESS OF SAMARKAND MADRASAS BETWEEN THE END OF XIX AND BEGINNING OF XX CENTURIES

Калит сўзлар: Зарафшон округи, генерал-губернатор, мутавалли, мударрис, имом, муаззин, хужра, нозир, уезд, адно, авсат, аъло.

Ключевые слова: генерал-губернатор, мутавалли, мударрис, имам, муадзин, худжра, инспектор, уезд, адна, аусат, аъло, депозит.

Key words: General Governorship, mutavalli mudarris, imam, muadhin, hujra, inspector, uyezd, adna, ausat, a'lo.

Дунё тажрибасида маориф тизими доимо мамлакат ривожланиш даражасини аниқлаб берадиган асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Айниқса, таълим тизими тарихини билиш ҳар бир халқ маданиятининг кейинги ривожини учун мустаҳкам пойдевор яратади. Араблар истилосига қадар мамлакатимиз таълим тизими асосан, зардуштийлик дини тамойиллари асосида йўлга қўйилган эди. VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда мусулмонларга хос бўлган янги таълим тизими шакллана бошлади. Таълимнинг ўзига хос бўлган асосан икки босқичдан иборат тизими вужудга келди. Булар мактаб ва мадраса бўлиб, мактаб Арабистон ярим оролида VII–VIII асрларда пайдо бўлган. IX–X асрларга келиб эса, Ўрта Осиё ва Волгабўйи ҳудудларига ҳам кенг ёйилган. Мактабни тугатган баъзи ўқувчилар мадрасада ўқишни давом эттирганлар. Мамлакатимизда мусулмон таълим тизимининг юқори босқичи ҳисобланган мадрасалар ҳақидаги дастлабки маълумот Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилган. Унга кўра Бухоро шаҳридаги «Фаржак»

Мақолада XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Самарқандда мадрасаларнинг умумий ҳолати, сони, уларнинг даромадлари таҳлил қилинган. Муаллиф Туркистон генерал-губернаторлиги даврида мадрасалар мулкисининг бошқаруви ва Самарқанд вилоятида соҳани назорат қилишдаги ўзига хос жиҳатларни очиб берган. Янги ҳукуматнинг бу ўқув даргоҳларини бошқаришдаги сиёсатининг мадрасалар фаолиятига таъсири, мадраса талабаларининг рус тилига муносабати, рус амалдорларининг мадрасалар ўқув жараёнига рус тилини киргизишдан кўзлаган мақсадлари очиб берилган. Мадрасалардаги талабаларнинг аниқ сони манбалар асосида кўрсатилган. Самарқанд мадрасаларининг жойлашуви вилоят миқёсида таҳлил қилиниб, талабалар сонининг номуаносиблиги сабаблари келтирилган. Шунингдек, мадрасаларнинг ўқув жараёни, ўқув фанлари ва китоблар рўйхати келтирилган. Ўқув жараёнидаги фанлар ва ўқитиладиган дарсликларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳолисона фикр билдирилган. Айни даврга оид бўлган Самарқанд мадрасалари ўқув жараёни минтақадаги бошқа вилоятлар мадрасалари ўқув жараёни билан таққосланган ҳолда ёритилган. Самарқанд мадрасалари ҳақидаги маълумотлар ва ҳулосалар бирламчи манбалар, ёзма ва архив ҳужжатлари асосида берилган. Муаллиф томонидан муаммони ўрганишга доир бир қатор мустақил ҳулосалар илгари сурилган.

Статья содержит общую информацию о состоянии медресе и их численности в Самаркандской области в конце XIX го начале XX вв. В статье автор описывает особенности управления имущественным вакфом медресе, раскрываются своеобразные методы контроля этой отрасли в Самаркандской области в период Туркестанского генерал-губернаторства. Раскрыто влияние политики руководства нового правительства этими учебными заведениями на деятельность медресе. Российские власти поставили целью ввести русский язык в учебный процесс медресе. Точное количество студентов в медресе определено из источников. Расположение самаркандских медресе анализируется в региональном контексте, также раскрываются причины непропорционального распределения студентов по медресе. Приводятся сведения об учебном процессе в медресе, преподаваемых предметах и учебниках. Изучены объективные взгляды на положительные стороны и недостатки преподавания, и используемые учебники. Самаркандское медресе того же периода описано в сравнении с образовательным процессом медресе других регионов области. Основные источники информации и выводы о Самаркандском медресе изложены на основании письменных источников и архивных документов. Автор приводит ряд независимых выводов по данной теме.

The article contains general information about the state of the madrasas and their number in the Samarkand region at the end of the XIX and at the beginning of the XX centuries. In the article, the author describes the peculiarities of managing the waqf of madrasas, reveals original methods of controlling this industry in the Samarkand region during the period of the Turkestan General Governorship. The influence of the policy of the leadership of the new government by these educational institutions on the activities of the madrasah is revealed. The Russian authorities set the goal of introducing the Russian language into the educational process of the madrasa. The exact number of students in the madrasa is determined from sources. The location of Samarkand madrasas is analyzed in a regional context, and the reasons for the disproportionate distribution of students by madrasa are also disclosed. Provides information about the educational process in the madrasa, taught subjects and textbooks. Studied objective views on the positive aspects and disadvantages of teaching, and used textbooks. Samarkand madrasah of the same period is described in comparison with the educational process of madrasahs of other regions of the region. The main sources of information and conclusions about the Samarkand madrasa are presented on the basis of written sources and archival documents. The author cites a number of independent conclusions on this topic.

мадрасасининг 937 йилда ёниб кетганлиги ёзилган [1; 84 б.]. Лекин самарқандлик машҳур олим Имом Мотуридий таълимни шаҳардаги «Работи Ғозиён» мадрасасида Муҳаммад ибн Фазл Балхийдан олганликлари манбаларда тасдиқланган. У кишининг 931 йилда вафот этганликларини эътиборга олсак, Самарқанддаги ушбу мадраса «Фаржак» мадрасасидан ҳам олдин ташкил топганлиги аён бўлади. «Мадраса» сўзи луғавий жиҳатдан «дарс берадиган жой», «билимгоҳ», «ўқиш жойи» деган маъноларни англатган [2; 10 б.]. Ўрта асрларда юртимиздаги жумладан, Самарқанд мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун мусулмон шарқида ўз ўрнига эга бўлган.

Мадрасада таҳсил олувчилар мулла (саводли), толиби илм (илм ўрганувчи), толиб, шогирд (ўқувчи) деб номланган. Ўқув босқичларининг аниқ муддати белгиланмаган. Талабалар бўлимларда белгиланган китобларни ўқиб, мударрисга имтиҳон топширгач, кейинги босқичга ўтганлар. Одатда талабалар ҳар бир босқичда 3–4 йил таҳсил олганлар, фақат биринчи босқичда 8–10 йил ўқишган. Араб тили ва грамматикасини ўзлаштириш қийин бўлганлиги боис бу босқичда ўқув муддати анчайин чўзилган. Архив маълумотларида келтирилган талабаларнинг ҳар бир босқичда узоқ ўқиганлиги бора-сидаги фикр К.Е.Бендриков томонидан рад этилади. Унинг маълумотида мадрасада таҳсил 16–18 йил

давом этган [3; 54–55 б.]. Узоқ муддат мадрасада таҳсил олган талаба қайси даромад манбаи ҳисобидан яшаганлиги тўғрисида савол туғилиши табиий. Манбалар таҳлилидан маълум бўладики, Самарқанд мадрасалари талабалари қуйидаги яшаш манбаларига эга бўлган: 1) вақф даромади ҳисобидан; 2) ўзининг ўқитувчилик фаолияти ҳисобидан; 3) ота-онасининг мол-мулки ҳисобидан; 4) ҳомийлик ҳисобидан.

Ўқув босқичларини тугатганлиги синови мударрис ва мутавалли, аъламлар, қозикалон, мадраса жойлашган ҳудуд бекларидан иборат имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилган. Мадрасалардаги бўлимларда узоқ муддат таҳсил олинганлиги мадрасалардаги ўқув жараёнининг ташкиллаштирилиши ва услубларига (методларга) боғлиқ бўлган. Мадрасада дарслар бомдод намозидан кейин эрта тонгда бошланган. Дарсининг давомийлиги сабоқнинг ҳажми ва мударриснинг тушунтириб бериши, талабаларнинг тайёргарлиги билан боғлиқ эди [4; 15 б.].

Самарқанд мадрасаларида ҳафтада тўрт кун – шанба, якшанба, душанба ва сешанба кунлари таҳсил олишган. Қолган кунлар эса ўтилган машғулотлар такрори ва дам олиш учун ажратилган. Рамазон ойида, ҳайит кунларида ва таътил давомида дарс ўтилмаган. Май ойининг охири ва сентябрь ойи охиригача таътил вақти ҳисобланган [5; 54 б.]. Йил 365 кун бўлса, мадрасада ўқув жараёни тахминан 30 ҳафта, дарс жараёнлари тахминан 120 кунга яқин давом этган (ҳафтанинг фақатгина шанба, якшанба, душанба, сешанба кунлари дарс ўтилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак – С. М.).

Дарвоқе, таъкидлаб ўтиш лозим бўлган яна бир масала шуки, манбаларда мадрасалар сони номуносиб бўлиб, мисол учун 1913 йилдаги маълумотга кўра, Самарқанд вилоятида 94 та мадраса фаолият кўрсатган. Уларда 2205 нафар талабалар таҳсил олган [6; 156 б.]. Вилоятда 519 893 нафар эркак мусулмон аҳоли истиқомат қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак [7; 56 б.], тахминан вилоятдаги ҳар 59 нафар мадрасада таҳсил олиши мумкин бўлган эркакдан 1 нафари мадрасада таҳсил олганлиги маълум бўлади.

Туркистон ўлкасидаги барча мадрасаларда ўқув жараёнлари ва дастурлар деярли бир хил бўлиб, Самарқанд вилоятидаги мадрасалар талабалари ҳам ушбу дастурлар асосида таълим олишган. Марказий Осиё мадрасаларидаги анъанавий ўқув

жараёнларининг асоси XI–XII асрларда шакллانган бўлиб, мадрасаларда ўқитиладиган фанлар бир неча асрлар давомида ўзгармай, эски тартибда сақланган [8; 53 б.]. Масалан, мадрасаларда Шамсия («Мантиқ илми») XIII асрда, Ақоид («Ислом таълимоти асослари») XII асрда ёзилган, Мантиқут таҳзиб («Юнон фалсафасининг арабча талқини») XVI асрда, Шариат («Ислом қонуншунослиги») VIII–IX асрда яратилган асосан араб тилидаги дарсликлардан фойдаланилган.

Мадрасалардаги ўқув жараёнида қатъий белгиланган тартиб-қоида бўлмаган. Турли сабабларга кўра дарслар жуда кўп қолдирилган ёки ўтилмаган. Дарслар ҳам аниқ муддатда бошланмаган. Самарқандда 1911 йилда ўқиш октябрнинг иккинчи ярмидан бошланган [9; 24 б.].

Туркистондаги мадрасаларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш мадраса мударрислари зиммасида бўлиб, 1894 йилдаги низомдан кейин мадрасалар фаолиятини яхшилаш борасида баъзи ишлар амалга оширилган. Жумладан, В.П.Наливкиннинг ҳисоботида кўра, ўлка бош инспектори томонидан мударрислар фаолиятига доир низом қабул қилинган [10; 30 б.]. Россия империяси амалдорларининг бундан кўзланган мақсади мадрасалар фаолиятини тўлиқ назорат қилиш эди.

Самарқанд мадрасаларида ҳам талабалар жамоаси гуруҳлар сони, талабалар миқдори ва мадрасанинг катта-кичиклигига қараб белгиланган. Катта мадрасаларда ҳар бир гуруҳда 6–10 нафардан, баъзи гуруҳларда 20 нафаргача талаба таҳсил олган. Ҳар бир талабалар гуруҳининг бошлиғи бўлиб, улар одатда муллазодалардан тайинланган. Улар бошчилигида жамоа аъзолари дарс жараёнини олиб боришган, талабаларнинг навбат билан мударрис хузурига кириши ҳам уларнинг зиммасида бўлган.

Самарқанд мадрасалари талабаларининг ҳаммаси ҳам мадрасада яшамаган бўлиб, улар баъзида икки-уч чақиримлик йўлни босиб ўтишларига тўғри келган. Талаба ўқиш вақтидан бошқа ҳар бир дарс учун икки-уч соат вақт сарф қилишга мажбур бўлган. Одатда, мадраса мударрислари, айниқса, салоҳиятли мударрислар бир кунда ўртача соат саккиздан ўн иккигача (тўрт соат) дарс беришган [11; 82 б.].

Мадрасани тамомлаган талабаларга Қуръон тафсири, пайғамбар ҳадислари, фикҳи исломийдан дарс беришга ижозат берилган. Мадрасаларни муваффақиятли тамомлаган талабаларга махсус

гувоҳнома (санад) берилган. Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек мадрасасини тугатган балхлик Шамсиддин Муҳаммадга мадрасани тугатганлиги тўғрисидаги берилган гувоҳнома фикримизга далил бўлади [12; 58 б.].

Мадрасанинг ўқув курслари 3 бўлимдан иборат бўлиб, таълим жараёни араб тилини ўрганишдан бошланган. Энг аввал умумий курс сифатида «Аввали илм» ўқитилган. «Аввали илм» китоби талабаларга бир неча кунларда ёдлаттирилган. Кейин араб тили грамматикаси морфологияси бўйича форс тилида ёзилган «Бидон» ўқитилган. Иккинчи йили араб тили морфологияси бўйича араб тилида ёзилган «Занжоний», форс тилида «Муиззий» китоблари ўқитилган. Бу бошланғич мактаблардаги араб тили дарсларини такрорлаш эди. Учинчи йилдан бошлаб араб тили грамматикаси чуқур ўзлаштирила бошланган. «Аввали илм» китоби ислом динининг асосларини ўргатувчи савол-жавоб тарзида тузилган, форс тилидаги ўқув қўлланма ҳисобланади. Араб тили грамматикасининг қийинлиги сабаб уни ўзлаштиришга ўртача 2-4 йил вақт сарфланган. Араб грамматикаси ўзлаштирилгач ҳам талаба адно босқичида қолган ва «Фикҳи қадими», «Мухтасар ул-виқоя» каби китобларни ўқиган. Булар форс тилида ёзилган китоблар бўлиб, ислом ҳуқуқи, ислом динининг диний ва фуқаролик жиҳатлари ёритилган. Бу бир-биридан мустақил икки бўлимдан иборат масала фикҳ ва мушкilot. Ҳар иккала бўлимни иқтидорли талабаларгина ўрганган, баъзилари улардан бирини ўрганган, холос [13; 92 б.]. Талабалар араб грамматикасини ва дастлабки мантиқий илмларни эгаллагач, мадрасада икки бўлимдан қонунчилик ё умумий билимларнинг бирини танлашган. Кўпчилик талабалар мусулмон дуолари ва қонунчилигини ўрганиш билан чекланишган. Бу йўналишни тугатганлар девонхонада котиб ёки масжид имоми вазифаларида ишлай олган. Мадрасадаги тўлиқ илоҳиётшунослик ва қонунчилик бўлимини мударрис ёки каттароқ вазифаларни эгалламоқчи бўлганларгина ўқишган.

Мусулмонлар учун араб грамматикасини билиш фойдали бўлса-да, уни ўрганиш учун (2–4 йил) жуда кўп вақт сарфланган. Араб грамматикасини ўргатувчи янги дарслик ишлаб чиқиб, уни соддалаштириш натижасида бу муддатни анча қисқартиришга эришиш мумкин бўлсада, мударрислар мазкур курсни ислоҳ қилишмаган. Шунингдек,

фикҳ курсида бир қанча бир хил мазмундаги турли муаллифларнинг китоблари ўқитилган. Мазмун ва моҳиятан деярли бир хил бўлган араб тилидаги ушбу китобларни ўрганиш жуда кўп вақт ва меҳнат талаб қиларди.

Самарқанд мадрасаларида ҳам араб тили грамматикасини ўқитишга бошқа фанларга нисбатан кўпроқ вақт ажратилган. Мадраса талабалари томонидан араб тили грамматикаси ўзлаштирилгач, ўқув курси икки бўлимга бўлинган: умумтаълим курси мушкilot ва фикҳ. Мазкур бўлимлардан қай бирини танлаш талабанинг хоҳиш-истакларига қараб аниқланган. Улар истасалар ҳар икки бўлимни ёки алоҳида мушкilot ё масала курсидан бирини ўқиб тамомлаши мумкин бўлган.

Мадрасадаги таълимнинг барча босқичларида асосий дарсликлар мударрислар томонидан бевожита ўқитилган ва соҳага оид қўшимча китобларни талабалар мустақил равишда ўзлаштиришган [14; 88 б.].

Самарқанд мадрасаларида умумий билимларни ўргатувчи бўлим китобларини ўрганиш кўпчилик талабаларни унчалик қизиқтирмаган. Умумий билимлар бўлимида мулалар аниқ бир йўналиш билимларини эмас, балки ислом дини тараққий этган олтин даврда араб олимлари томонидан ёзилган метафизика, космография, астрологияга оид алоҳида китобларни ўзлаштирганлар. Бу китобларда қадимги юнон фалсафасига оид ҳикоялар ҳам ёзилган. Мадрасалардаги фанлардан бири математика бўлган. Лекин математика тўлиқ ўзлаштирилмаган, фақатгина мерос ҳуқуқига оид математик билим билан кифоя қилинган [15; 94 б.]. Талабалар тарихий, географик ва илоҳий ҳикоялар тўпламини ҳам ўқиганлар. Баъзи мулалар араб, форс-тожик ва туркий шоирлар китобларини ҳам ўқишган. Баъзи қизиқувчи талабалар ўрта асрлардаги тиббиётга оид китобларни ҳам ўқишган. Физика, кимё ва биологияга оид илмлар мадрасаларда ўқитилмаган.

Масалан, 1912 йилда Самарқанддаги Намозгоҳ мадрасасида 6 та талаба 1-бўлимда «Ҳидоя», «Шарҳи Виқоя», «Ҳикоят» китобларини ўқиган, 5 та талаба 2-бўлимда «Шарҳи Мулло», «Шарҳи Виқоя» китобларини ўқиган, 13 та талаба 3-бўлимда «Мухтасар», «Авамил», «Мухтасари Виқоя» китобларини ўқишган. Каттақўрғондаги Нақиб мадрасасида жами 46 та талаба ўқиган. Аъло босқичида 6 та талаба «Ақоид», «Шарҳи мулло», авсат босқичида 10 та талаба «Шарҳи Виқоя»,

«Шарҳи Муваққат», «Мухтасар», «Вофия», адно босқичида 30 та талаба «Қофия», «Мухтасар» китобларини ўқиган. 1913 йилда Хўжанддаги Халифа Мир Юнус мадрасасида 6 та талаба таҳсил олган. 1910 йилдаги маълумотлар бўйича Шердор мадрасасида 120 та талаба бўлиб, улар 10, энг кўпи 15 йил таҳсил олишган [16; 119 б.].

Умуман олганда, мадрасаларда ўқиш муддати анчайин узоқ бўлган. Низом асосида тартибга солинса-да, бу муддат баъзида 21 йилгача чўзилган. Мушкулот курсидаги (фалсафага яқин) китобларнинг кўпчилигини ўрганишга талабаларнинг аксариятининг рағбати ва қизиқиши бўлмаган. 1899 йил сентябрь ойида мадраса бош мударрисларига берилган махсус кўрсатмага кўра, эндиликда мадраса талабалари, мударрис ва хизматчилар император ва унинг оила аъзолари номларини билишлари шарт қилиб қўйилган [17; 14 б.].

Россия империяси маъмурларининг мадраса битирувчилари орасида ўз тарафдорларини кўпайтиришга қилган ҳаракатларидан бири бўлган. Мадрасаларда рус тилини киргизиб рус-мусулмонча янги ўқув режасини ишлаб чиқиш мазкур даврда мадрасалардаги таълимнинг бош муаммоларидан бири бўлиб, Ўлка ўқув ишлар бош инспекторининг Туркистон мударрисларига мурожаатномасига кўра «Мадраса талабалари учун рус тилини ўргатиш учун мактаб очиш ҳақидаги таклифимиз генерал-губернатор томонидан тасдиқланди. Ушбу мактаблар давлат хазинаси ҳисобидан қурилади ва таъминланади. Сиз мударрислар мадрасаларингиздаги рус тилини ўрганмоқчи бўлган талабаларни ушбу мактаблар қурилгунга қадар рус-тузем мактабларига жўнатишингиз керак». Шундан кейин ҳар бир мадраса мударриси ўз мадрасасидан нечта талабани рус-тузем мактабларига ўқишга жўнатиши ҳақидаги маълумотномани расман муҳр босиб тақдим қилган [18; 82 б.].

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори Керенскийнинг 1899 йил 27 сентябрда берган маълумотномасида 3-инспекторга мадраса талабалари орасида рус тилини ўрганмоқчи бўлганлар ва рус-тузем мактабларига бормоқчи бўлганлар сони ортиб бораётганини маълум қилган. Бош инспектор октябрь ойида ҳам бу сон янада ортишини ҳисобга олиб ушбу талабаларга рус тилини ўқишлари учун янги бино ажратиш ва шароит яратиш кераклигини уқтиради. Самарқанддаги мадрасалардан

ҳам рус-тузем мактабларига талабалар жўнатишган. Масалан, Шердор мадрасаси мударриси Мулло Муҳаммад Исо хожа 18 нафар, Тиллакори мадрасаси мударриси Мулла Абдул Қаюм махсум Раҳматуллаев 5 нафар, Орифжонбой мадрасаси мударриси Мулла Тўрахўжа Мўминхўжаев 4 нафар, Шайбонийхон мадрасаси мударриси Абдулла мулла Нишоннов 3 нафар, Мирзо Улуғбек мадрасаси мударриси Мулла Ёрмуҳаммад Хўжа Муҳаммедов 5 нафар, Хўжажон хўжа мадрасаси мударриси Мулла Қосим мулла Ражабов 2 нафар, Қози Ғафур мадрасаси мударриси мулла Жалол мулла Абдуназаров 2 нафар, Одилбой мадрасаси мударриси мулла Тошпўлат 1 нафар, Хўжа Зулмурад мадрасаси мударриси мулла Эрназар Жумабоев 3 нафар, Юсуфбой мадрасаси мударриси мулла Муҳаммад Шариф 4 нафар, Сафед(ок) мадрасаси мударриси мулла Жоруллоҳ Саъдуллаев 5 нафар, Турди Али мадрасаси мударриси мулла Ашур Муҳаммад мулла Хўжа Келдиев 2 нафар талабани бош инспектор мурожаатномаси асосида рус-тузем мактабига ўқишга жўнатган [19; 52 б.].

Ушбу маълумотни Шердор мадрасаси мударриси мулла Исохўжа мулла Ширин Хўжаев тўплаган ва 3-район инспекторига тақдим қилган. Унга кўра, мадрасалардан рус-тузем мактабларига бориб рус тилини ўрганмоқчи бўлганлар 52 нафарни ташкил қилган. Шунингдек, мударрис мадрасаларда дарсларни 1 октябрдан бошланиб 1 майгача давом этишини, дарслар расман бошланса рус-тузем мактабларига бориб рус тилини ўрганмоқчи бўлган талабалар сони янада ошишини ва албатта уларни ҳам ўқишга жўнатишга кафолат беришини келтиради [20; 16 б.].

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Самарқанд мадрасаларидан рус-тузем мактабларига жами 52 нафар талаба жўнатишган. Улардан 18 нафари Шердор мадрасаси талабалари ва мударрисга ушбу маълумотни тўплаш вазифаси юкланганидан шуни билиш мумкинки, мулла Исохўжа ҳукуматга хайрихоҳ ва уларга ён босувчи киши бўлган. Расман фақат хоҳловчи талабалар рус-тузем мактабларига жалб қилинди дейилса-да, амалда ҳар бир мадрасадан талабалар мажбуран рус тилини ўқишга юборилган [21]. Мударрислардан рус-тузем мактабларига рус тилини ўқитиш учун талабаларни юбориш ҳақидаги кафолат хатлари бунга асос бўлади.

Халқ орасида машҳур, обрўли, ўқитиш тизими бошқаларидан анча фарқли бўлган Тиллакори, Шердор, Мирзо Улуғбек, Шайбонийхон, Сафед(оқ), Орифжонбой, Нодир Девонбеги, Муҳаммад Шариф Қушбеги, Шоҳи Зинда, Хўжа Зулмурод, Хожа Ахрор, Чўнқаймиш, Даҳбед, Ургутдаги Авазбой, Муҳаммад Латиф, Хонақоҳ мадрасалари империя амалдорлари томонидан ҳам алоҳида қайд этилган ва назорат қилинган [22; 79-80 б.].

Туркистон ўқув юртлари бош инспекторининг 1876 йил февраль-март ойидаги ҳисоботида кўра, Туркистон ўлкасига Қозон шаҳрида тош босма шаклда нашр қилинган Қуръон, турли диний китоблар тобора кўп кириб келаётганлиги, бу ҳолат эса рус ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатида зид эканлиги таъкидланган [23; 72 б.]. Бу ҳолатнинг олдидин олиш учун диний китобларни камроқ нусхада нашр этиш ва китоб босиш ишларини давлат назоратига олиш шартлиги ўқув ишлари бошқармаси томонидан ўқтирилган. Бу тадбирлар мадрасалар ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатган.

Юқоридаги фикрлар асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

– XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд мадрасаларида дарс сабоқлари маҳаллий тилда (ўзбек ва тожик тиллари) олиб борилмаган бўлиб, асосий дарсликлар араб тилида бўлган. Дарсларнинг маҳаллий тилда олиб борилмаганлиги, шунингдек, талабалар устидан назоратнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, ўқув йили муддатининг қисқалиги таълим сифатида салбий таъсир кўрсатган. Бу асосий дарсликларнинг ўрта асрлардан буён такомиллаштирилмаганлиги ва вақт тақсимотининг аниқ ишлаб чиқилмаганлиги асосида ўз тасдиғига эга;

– Мадраса талабаси бўлиш обрўли ҳисобланганлиги ва вақф нафақаси олиниши боис баъзида талабалар узоқ муддат давомида ҳам таҳсилни давом эттиришган (баъзида 21 йилгача);

– Дарслик ва китоблар фақат қўлда кўчирилган, ўз-ўзидан қиммат бўлган ва эҳтиёжманд талабалар уларни сотиб олишлари қийин бўлган, буни ҳам таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатган омил сифатида баҳолаш мумкин;

– Мадраса мударрисларининг илмий салоҳияти ҳам бир хилда бўлмаган, улар орасида тафовут юқори бўлган. Шунинг учун ҳам талабалар мударрисларнинг билим даражаларига қараб ҳам мадрасаларни танлашган. Шердор, Тиллакори, Мирзо

Улуғбек, Шайбонийхон мадрасаларида талабалар сонининг бошқа мадрасаларга нисбатан анчайин кўп эканлиги буни яққол кўрсатади.

Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида мадраса асосий илм даргоҳи вазифасини ўтаб, бу ердан етишиб чиққан олимлар фаннинг кейинги ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Мадрасаларда асосан диний фанларга эътибор берилиб, дунёвий фанларнинг анчайин орқада қолганлиги ҳам фан ва таълим ривожига салбий таъсир этганлигини эътироф этиш керак. Шунингдек, фанларни ўқитишда педагогик услубларнинг мавжуд эмаслиги ҳам дарслар сифати ва уларнинг самарадорлигини пасайтирган ҳамда ўқув жараёнининг муддати чўзилишида салбий омил бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, ўлкада илмий техника кашфиётларининг рағбатлантирилмаганлиги, мадрасаларда таҳсил олувчилар учун арзимаган пул маблағларининг ажратилиши соҳа фаолиятини орқага сурган.

Мадраса фаолиятини таҳлил қилиш натижасида ушбу илм даргоҳида таълим махсус ихтисослик бўйича мутахассис тайёрлашга қаратилмаганлиги, ўқув дастурларининг мураккаб диний илмларни чуқур ўзлаштиришга асосланганлиги боис мазкур даврдаги Самарқанд мадрасаларини ўрта ва олий диний даргоҳ сифатида талқин этишимиз мантиқан тўғри эканлигини айтишимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far Narshaxiy. Buxoro tarixi / Fors-tojik tilidan A.Rasulov tarjimasi. – Toshkent: Fan, 1966. – B. 84.
2. O'zR MDA, I-47, R-1. Ish- 333a. Varaq-10.
3. Bendrikov K.YE. Ocherki po istorii narodnogo obrazovaniya v Turkestane (1865 – 1917). – M.: Izd- vo Akad. ped. nauk RSFSR, 1960. – S. 54-55.
4. Muxiddinov S. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Samarqand viloyati madrasalarining vaqf daromadlari va ularning boshqaruvi // O'zbekiston tarixi, 2018 yil 3-son. 15-bet.
5. Bendrikov K.YE. Ocherki po istorii narodnogo obrazovaniya v Turkestane (1865 – 1917). – M.: Izd- vo Akad. ped. nauk RSFSR, 1960. – S. 54.
6. O'zR MDA I-181, R-1. Ish-109. Varaq-156.
7. Bendrikov K.YE. Ocherki po istorii narodnogo obrazovaniya v Turkestane (1865 – 1917). – M.: Izd- vo Akad. ped. nauk RSFSR, 1960. – S. 56.